КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 171, (4418)

28 АВГУСТ ЖУМА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси ва СССР Министрлар Совети дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1970 йил 20 августда Москвада бўлиб ўтган мажлиси якунлари ҳақида Совет Иттифоқи делегациясининг ахборотини қараб чиқдилар.

Сиёсий маслаҳат комитетининг мажлисида актуал ташқи сиёсий проблемалар юзасидан фикр олишув социализм позицияларини мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг қардошларча бирлиги ва маҳкам ҳамкорлигини яна бир марта тасдиқлаганлиги қайд қилиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва СССР Министрлар Совети Иттифоқчи давлатларнинг делегациялари СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида имзоланган шартнома Европадаги кескинликни юмшатиш ва вазиятни нормаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига юксак баҳо берганликларидан мамнун эканликларини билдирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва СССР Министрлар Совети шу нарсага чуқур аминдирларки, СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида имзоланган шартноманинг кучга кириши, Варшава Шартномаси қатнашчиларининг Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга, жумладан умум Европа кенгашига тайёргарлик кўриш ва уни чақиришга қаратилган янги тадбирлари тинч-тотув яшаш принциплари асосида Европада давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришнинг муҳим омилларидир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва СССР Министрлар Совети СССР делегациясининг Варшава Шартномаси сиёсий маслаҳат комитетининг мажлисидаги фаолиятини тўла маъқуллади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚАРДОШ ҚОЗОҚ ЭЛИДА ЮБИЛЕЙ ШОДИЁНАЛАРИ

МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРЛИК

Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози пахтакорлари бу йил етиштирилган ҳосилнинг 4300 тоннасини «зангори кема»да териб олишга аҳд қилганлар. Зиммадаги ана шу мажбуриятни бажариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Совхоз механизаторлари «Ўзбекистон» маркали 14 та терим машинасини, 80 та «ХТ—1,2» маркали машинани ремонтдан чиқардилар. Шунингдек, кўрак терадиган агрегатлар, прицеп ва бошқа асбоб-ускуналар ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу ишларни пухта олиб боришда устахона слесарларидан Хошим Зоиров, Аблаким Абдураимов, Димитрий Омельченколар барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Т. МАҲКАМОВ.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

ОЛМАОТА, 27 август. (**ТАСС махсус мухбири**). Бугун Қозоғистон ССРнинг пойтахтида В. И. Ленин номли майдондаги доҳий ҳайкали ёнида минглаб кишилар йиғилишди. Меҳнаткашлар қозоқ халқининг ҳаётидаги шонли сана—республика ҳамда Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини байрам қилиб, совет давлатининг асосчиси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг яратувчисига бўлган меҳр-муҳаббат ва эҳтиромларини билдиргани ҳайкал ёнига келдилар.

Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, Қозоғистон Компартияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, юбилей тантаналарида қатнашаётган делегациялар бу ерга келишди.

В. И. Ленин ҳайкалининг супасига гулдасталар қўйилди.

Сўнгра меҳмонлар Қозоғистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига йўл олишди. Виставка республиканинг 40 йиллигини байрам қилиш кунларида очилган эди. Шундан бери ўтган йиллар ичида Қозоғистон ССР иқтисодий ва маданий қурилишда олға янги катта қадам ташлади. Шуларнинг ҳаммаси виставкада республика ва Қозоғистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейига очилган экспозицияда ўз ифодасини топди.

Меҳмонлар бош павильон, оғир ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги павильони ва бошқа павильонларнинг экспонатлари билан қизиқиб танишдилар.

Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, байрамларда қатнашаётган делегацияларнинг раҳбарлари, фахрли меҳмонлар дафтарига бундай деб ёзиб қолдирдилар:

«Қозоғистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси — 50 йил мобайнида совет халқларининг ягона, қудратли, аҳил оиласида коммунизм қурилиш йўлидан шаҳдам қадам ташлаб бораётган гуллаб-яшнаган, ҳар томонлама камол топган социалистик республикага айланган Совет Қозоғистони эришган катта-катта муваффақиятларнинг таассуротли далилидир.

Қозоғистонлик азиз ўртоқлар, сизга саноатни, қишлоқ хўжалигини, социалистик миллий маданиятни ривожлантиришда бутун қалбимиздан янги катта-катта муваффақиятлар тилаймиз!»

СОВЕТ ҚОЗОҒИСТОНИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

ОЛМАОТА, 26 август. (ТАСС махсус мухбири). Қардош қозоқ халқининг байрами—Қозоғистон ССРнинг 50 йиллиги ҳамда республика Компартиясининг ярим асрлик юбилейини нишонлаш учун Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар—Москвадан—КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитети биринчи секретари В. В. Гришин бошлиқ делегация, Россия Федерациясидан—РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Яснов бошлиқ делегация, Украина ССРдан — республика Олий Совети Президиумининг Раиси А. П. Ляшко бошлиқ делегация, Белоруссия ССРдан—Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев бошлиқ делегация, Ўзбекистон ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошлиқ делегация, Грузия ССРдан—КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе бошлиқ делегацияси, Озарбайжон ССРдан — Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев бошлиқ делегация, Молдавия ССРдан—Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл бошлиқ делегация, Қирғизистон ССРдан—Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев бошлиқ делегация, Тожикистон ССРдан—Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов бошлиқ делегация, Арманистон ССРдан — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян бошлиқ делегация, Туркманистон ССРдан— Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғапуров бошлиқ делегация, Эстония ССРдан — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин бошлиқ делегация Олмаотага келишди. Латвия ССР ва Литва ССР делегацияларининг 27 августда келиши кутилади.

СССР Қуролли Кучлари делегациясига СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко бошчилик қилмоқда.

Қаҳрамон шаҳар — Ленинграддан меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов бошчилигидаги делегация келди.

Тантаналарда қатнашиш учун Қозоғистон меҳнаткашлари традицион дўстлик алоқаларида бўлган «Киров» крейсери денгизчиларининг делегацияси ҳам келди.

Жубан МЎЛДАҒАЛИЕВ
Қозоқ шоири.

САЙР ЭТИБ КЎР ОЛМАОТАНИ

Машинамиз елдай югуриб,
Асфальт кўча бўйлаб келади.
Москвалик шоир дилида
Янги қўшиқ ўйлаб келади.
— Энди шаҳар бошланар,—дейди
Кўрмай туриб уйларни меҳмон.
Ён-атрофда азим тераклар,
Дейсан уни ям-яшил ўрмон.
Рўпарада қорли Олатов,
Баландликка тиклаб борамиз.
Ҳайрон бўлар қадрли меҳмон,
Деган каби: — Қайда шаҳрингиз?
Шошма, дўстим, асло ошиқма,
Эрта билан яёв юриб кўр.
Оппоқ сутдай тонг оқарар,
Дарпардани четга суриб қўй.
Кучоғини кенг очиб шунда
Олмаота бўлар намоён.
Кўркам қўйни унинг ажойиб,
Қарши олар сени хиромон.
Аён бўлар сенга ҳар киши,
Сақлагайсан эсда сўзларин.
Хотирлайсан кечган ҳар кунни,
Қозоқ қизни қора кўзларин.
Истар бўлсанг шодлик, кулгини,
Дарёларнинг кумуш жилвасин,
Театрга бориб кўр дўстим,
Ипак қизнинг юрак сирларин.
Юксалади кўзинг ўнгида
Кўркам уйлар қаторма-қатор.
Илм-маърифат саройларида
Таълим олар ёшлар бахтиёр.
Аён бўлар уларга олам,
Ҳатто Қуёш, юлдуз ой сири.
Гагариндай довюрак ўктам,
Юксакларни кўзлар ҳар бири.
Улкан завод гудоги сени
Уйғотади ҳар кун тонгги чоқ.
Будир завқли меҳнатнинг боғи,
Иш бошланар ҳамма ёқда, боқ.
Кузатасан эрталаб хушнуд
Олмазорнинг елда мавжини,
Шод боқарсан шиғил шоҳларга,
Тошар қалбдан севинч тўлқини:
Ҳар бир олма қанд каби ширин
Тотиб кўргин тортма қўлингни.
Олмаота олмалар кони,
Мени ол, деб тўсар йўлингни.
Машинамиз елдай югуриб,
Асфальт кўча бўйлаб келади.
Москвалик шоир дилида
Янги қўшиқ ўйлаб келади.
Ойна каби текис бу йўллар,
Шоирга у шодлик, қуй бериб,
Шаҳрим ўхшар ишил гулбоққа.
Интиладн юксалиш ёққа.

Қозоқчадан НАЗАРМАТ таржимаси.

БУХОРОНИНГ ЗАНГОРИ ОЛОВИ ҚОЗОҒИСТОНГА

Тошкент — Фрунзе — Олмаота газ қувури трассасида Чу дарёси орқали 850 метрли қувур ўтказила бошланди. Бу мураккаб ишни қисқа муддат ичида, яъни тўрт ҳафта ичида, бажаришга қарор қилинди.

Газ магистрали қурувчилар Или Орти олатовининг тобора баланд чўққисига қутарилмоқдалар. Улар газ қувурини қурдай довонига етказиш ишларини 6 сентябргача, яъни нефть ва газ саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кунигача бажаришга қарор қилдилар.

(ТАСС мухбири)

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Капон тайёрлаш ва уни давлатга сотишда яхши кўрсаткичларга эришган илғор районлар ва хўжалнкларни рағбатлантириш мақсадида область партия комитети ва область ижроия комитетининг иккита кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Бу байроқларнинг бири илғор район, иккинчиси илғор хўжаликка берилади.

Кўчма Қизил байроқлар область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область луб тайёрлаш трести ва область статистика бошқармасининг таклифига мувофиқ шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб ҳар 10 кунда бир марта бериб борилади.

МОҲИР МЕХАНИЗАТОР

Мирхон Хонтоев БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗДА тажрибали механизаторлардан саналади. У 20 йилдан бери шу касбда ишлаб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Мирхон Хонтоев бу йил 410 гектар майдонни шудгорлаш мажбуриятини олган эди. Бор тажриба ва имкониятини ишга солиб, моҳир механизатор бу вазифани қисқа муддатда адо этди. Ҳар куни планда белгиланган 8 гектар ўрнига 12—14 гектар майдонни сифатли шудгордан чиқазиб зиммасидаги мажбуриятини бажарди.

Т. САРИЕВ.

ЧЎПОНЛАР ДАВРАСИДА

Яқинда Ўрта Чирчиқ районининг узоқ чеккасида, Қурама тоғ тизмалари этакларида истиқомат қилаётган чўпонлар ҳузурида бўлдик.

Йўлга чиққанимизда вақт тушга яқинлашиб қолган эди. Саҳий қуёш борлиққа ўзининг заррин нурини сочмоқда. «ГАЗ—69» асфальт йўлда учиб боради. Ўнг ва сўл томонимизда бепоён пахтазорлар ястаниб ётибди. Бир текисда ўсаётган ғўзалар кўзни қувонтиради.

Қишлоқдан чиқишимиз билан бепоён қир-адирлар бошланди. Узоқ-узоқларга боқдик. Қуюқ дарахтзор кўринди.

— Манзилга ҳам етай деб қолдик, — деди ҳамроҳимиз, — Чавқанчоқ деган жойимиз ҳув ўша ер бўлади.

Сой-адрларда иш қизғин. Баланд тепаликларда, беда ўримйиғими авжида. Машина шу томонга бурилди. Ферма мудири Нью Андрей бизни самимий қар шилади.

— Хуш келибсизлар, — деди у бизни салқин жойга бошлар экан. — Ҳозир айни долзарб кунлар. Фермамиз аъзолари «қиш гамини ёзда е» деган нақлга амал қилиб, ишламоқдалар. 200 гектар ерга беда, арпа сепгандик, ҳосили чакки бўлмади.

Бири-биридан ишчан ва ғайратли қизлар, жувонлар, механизаторлар ҳамжиҳатликда беда ўриб, қуруғини ғарамлаб машиналарга ортишарди. Механизатор Юай Борис, аёллардан Ризода Ғуломқодирова, Анор Мирзатоева, Гулбозор Аширбосзаларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Ферма мудири билан қишлоқ томон йўл олдик. У ферма ҳақида, унинг ишчан кишилари тўғрисида фахрланиб гапирарди:

— Хўжалигимизда 5 минг қўйқўзи бор,— тушунтирди Андрей,— давлатга гўшт, жун топшириш планларини ҳар йили ортиғи билан адо этмоқдамиз. Шу йил давлатга қўзи топшириш планини 117 процентга етказиб бажардик. Пландаги 1633 ўрнига 1800 та қўзи олинди. Жун топшириш плани 102 процентга етказиб бажарилди. 60 тонна гўшт бердик. Қишловга катта ҳозирлик кўрмоқдамиз. 550 тонна дағал хашак жамғариб қўйдик. 120 тонна концентрат озуқа бор. Яқинда 500 қўйга мўлжалланган қўрани битказдик. — Жами саккизта қўра бор. Уларнинг ҳаммасини сифатли ремонтдан чиқариб қўйдик.

Гап моҳир чўпонлар ҳақида кетганида, Андрей биринчи бўлиб, чўпон Чубец Аширбоев ва унинг шогирди Кулмат Мирзабоевларнинг номини тилга олди.

— Ишбилармон тоғ йигитлари, — деди Андрей. — Катта тажриба орттирган. Уларнинг отаридa 480 қўй бор. Бу йил қўзи топшириш планини оширib бажаришди. Йўлдош Ҳолматов. Саидвали Алмонов, Тўйчи Пирназов, Илёс Канатовлар ҳам улардан қолишмайди.

Кечки пайт қишлоққа тушдик. Бу ерда ўттиз хонадон яшар экан. Йўлнинг икки чеккасига уйлар тушган. Хонадонларда радио, телевизор, кир ювиш машиналари...


Тоғ бағриларида яшаб, меҳнат қилиб бойлик яратаётган чўпонларга ҳарқанча тасаннолар десанг оз!

И. ЮСУПОВ,
Юқори Чирчиқ район «Ўзбекистон» колхози.

МАШИНАЛАР ШАЙ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари машина теримига ҳар томонлама уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Хўжаликдаги бор терим машиналари ва бошқа техника асбоб-ускуналари сифатли ремонтдан чиқарилди. Ҳозир 37 та «зангори кема» теримга шай бўлиб турибди. Хирмонлар, дала йўлларн сифатли ремонтдан чиқарилди. Суратда: колхоз устахонасида теримга шай қилиб қўйилган агрегатлар.

А. АБАЛЯН фотоси.



МАРКАЗ—6 ҚУРИЛИШИДА



Пойтахтимиз кундан-кунга гўзаллашиб чирой очиб бормоқда. Бу ерда зилзиладан сўнг янги-янги турар-жой кварталлари барпо этилди. Янги уйларга бошпанасиз қолган ўн минглаб оилалар кўчиб ўтишди. Шундай кварталлардан бири «Марказ-6» шаҳар ҳусниға ҳуси қўшиб турибди. Айни кунларда ҳам бу ерда янги кўп қаватли уйлар қурилиши жадал сурьатлар билан олиб борилмоқда. Суратда: «Марказ-6»нинг умумий кўриниши.

А. АБАЛЯН фотоси.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Оққўрғон райони далаларида, фермаларида иш тобора қизғин бормоқда. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материалларидан руҳланган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар ҳам шу кунларда жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини кенг тарғиб қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, июль пленуми материалларини чуқур ва атрофлича тушунтириш бугунги кунда бошланғич партия ташкилотлари ишининг асосий мазмуни бўлиб қолди. Ана шу мақсадда оммавий сиёсий, ташкилий, тушунтириш ишларининг барча усул ва методларидан фойдаланилаётир.

Аввало шуни айтиш керакки, Пленум ҳужжатлари эълон қилингач, райком аъзолари, барча активлар бу ҳужжатнинг кенг муҳокама қилинишини ва тегишли тадбирлар белгиланишини ташкил этиш учун жойларга юборилди. Район партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари колхозчилар, совхоз ишчиларининг умумий йиғилишларида иштирок этиб, Пленум қарорининг моҳиятини кенг меҳнаткашлар оммасига атрофлича тушунтирдилар.

Пленум материалларини тарғиб этишда район партия комитети қошидаги 32 кишидан иборат сиёсий докладчилар группаси катта ишлар қилмоқда.

Сиёсий докладчилар лекция ва суҳбатларга тайёргарлик кўришда маҳаллий ҳаётга оид, колхоз ва совхозларнинг ўтмиши ва ҳозирги кундаги ишларига оид мисолларга кенг ўрин бермоқдалар.

Шунингдек, сиёсий докладчилар социалистик мамлакатлар хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетганлиги, фан-техниканинг тараққиёти қишлоқ хўжалигини юксалтиришга бебаҳо ёрдам бераётганлигини ёрқин мисолларда исботлаб бермоқдалар. Хусусан, сиёсий докладчилардан Л. Н. Пак, Қ. Убайдуллаева, Х. Ғафурова сингари ўртоқлар олиб борган лекция ва суҳбатлар айниқса мазмунли бўлди.

Шунингдек, колхоз-совхозларга бригада ва звеноларга чорвадорлар ҳузурига 40 га яқин агитатор юборилди. Улар ҳозирги кунга қадар 84 та лекция ўқидилар, 169 та суҳбат ўтказдилар.

Тошкент область партия комитети йўлланмаси билан келган лекторлар ҳам районимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўртасида катта сиёсий ва тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Уларнинг Энгельс номли, Димитров номли, «Ленинград» колхозлари ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги деҳқонлари, чорвадорлари, соҳибкорлари ўртасида ўтказган лекция ва суҳбатлари айниқса, қизиқарли ва жонли бўлди. Лекторлар, сиёсий докладчилар ўз лекция ва суҳбатларида шу кунларда амалга ошириладиган ишлар, жумладан, ғўза ва каноп парваришчорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш, чорва туёғини кўпайтириш маҳсулдорлигини ошириш учун кураш КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этишнинг бош мезони эканлигини уқдириб ўтмоқдалар.

Колхоз ва совхозлар партия ташкилотлари қошидаги 418 сиёсий ахборотчи, 806 агитатор ва 1325 сиёсий ташкилотчилар армияси ҳам маҳаллалар аҳолиси ва дала меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез бўлиб, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми ҳужжатларини, Л. И. Брежнев докладини ва Янгиариқ райони меҳнаткашларининг ташаббусини ҳар бир меҳнаткаш онгига етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Июль Пленуми қарорларини тушунтириш ишларининг самарали бўлишига актив аёлларимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозирги кунда районимизда аёллардан 32 сиёсий ахборотчи, 104 агитатор, 110 сиёсий ташкилотчи саноат корхоналарида, дала ва фермаларда бўлиб, катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ф. Ҳакимова, А. Альчикова, Я. Хидирова, Т. Ким, М. Эртоевалар яшаб, ўзлари меҳнат қилаётган хўжаликларнинг ҳаётга оид мисоллар билан лекция ва суҳбатларнинг қизиқарли ҳамда мазмунли чиқишига эришмоқдалар.

Кўргазмали агитация социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга чорловчи муҳим бир омилдир. Ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитети июль Пленуми белгилаб берган истиқболларни ва режаларни оғишмай амалга оширишга даъват этувчи шиорлар, плакатлар, стенд ва диаграммалар кўплаб дала шийпонларида бор.

Июль Пленуми қарорларини тарғиб қилиш ишлари ҳаёт билан ҳамнафас олиб борилаётганлиги туфайли район меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси авж олиб кетди. Шу кунларда пахтазорларда 83 минг тонналик улкан хирмон учун кураш авжида. Деҳқонларимиз ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Биз июль Пленуми материалларини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингдириш учун бундан буён ҳам таъсирчан пропаганданинг барча метод ва усулларидан фойдаланиш, омма ўртасидаги сиёсий-ташкилий тарбиявий ва тушунтириш ишларининг янада жонли бўлиши учун курашамиз.

М. И. ТЯН,
Ҳ. АҲМЕДОВ,
Оққўрғон район партия комитети инструкторлари.

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатида ихтирочилик ва новаторлик ҳаракати тобора авж олмоқда.

Улар коллектив фаолияти кўрсаткичларининг тинмай яхшиланишига муносиб ҳисса қўшиш учун янги-янги таклифлар билан чиқишаяпти. Ишлаб чиқаришни юксалтириш сифатини яхшилаш, чидамлилигини ошириш, кўплаб давлат маблағини тежаб қолишда бу таклифлар жуда қўл келмоқда.

Юбилей йилида новаторлар сафи анча кенгайди. Ҳозир комбинат фабрикалари ва цехларида 400 га яқин типик-тинчимас рационализатор ва ихтирочилар бор. Шуниси қувончлики, уларнинг аксариятини ишчилар ташкил этади. Комбинат маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари новаторлар сафини кенгайтириш, бу ҳайрли ҳаракатга янги-янги ишчилар, инженер-техник ходимларни жалб қилиш учун қатор ташкилий тадбирларни амалга оширдилар. Новаторларнинг ижобий изланишлари учун ишлаб чиқаришнинг биринчи навбатда бартараф этилиши лозим бўлган қолоқ операцияларни тематикаси кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилган. Ўнлаб мутахассислар рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодий изланишига яқиндан ёрдам беришаяпти. Махсус консультация хонаси ташкил этилган. Бу ерда ихтирочилар мутахассислардан лозим бўлган маслаҳатларни олиб туришади.

Бу тадбирлар корхонада янгилик изловчилар фаолияти самарасининг ошишига анча ёрдам берди. Шунинг учун В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига республика тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари коллективлари ўртасида ўтказилган новаторлик ҳаракати кўригида яхши кўрсаткичларга эришилди. Биринчи кварталдаёқ йилдан ортиқ таклиф жорий қилиниб, 135 минг сўмликдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди. Бундай юксак кўрсаткичга эришган коллективга тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитети ҳамда Бутуниттифоқ рационализаторлар ва ихтирочилар жамияти республика—ташкилотининг биринчи даражали пул мукофоти берилди.

Тинчи-тинчимаслар қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун изланишчи ойдан-ойга авж олдиришаяпти. Шу йилнинг биринчи ярмида 300 та рационализаторлик таклифи ва 3 та ихтиро жорий қилинди. Бу корхонага ҳар йили 200 минг сўмликка яқин фойда келтиради.

Ўнлаб новаторлар коллективнинг фахри ҳисобланади.

Неъматилла Мирзаев шундайларнинг бири. У жуда кўп рационализаторлик таклифларининг автори ҳисобланади. Айниқса, унинг ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган таклифлари қимматлидир. У тўқимачилик машиналари тасмаларининг ўқдан чиқиб кетишига барҳам берувчи мосламa яратди. Илгари тасмалар иш вақтида чиқиб кетиб толаларни ифлос қиларди. Натижада улар брак бўларди. Новаторнинг таклифи амалга оширилгач, бу камчилик бартараф этилди. Фақатгина шу таклиф ҳар йили 3 минг сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Малакали мутахассис бир группа рационализаторлар билан ҳамкорликда арқоқ пайчаларини сақлаш ва саралаш учун махсус агрегат яратди. Бу пайчаларни қўлдаб тежаб қолиш имконини бермоқда. Ҳар йили эса комбинатга 20 минг сўмликдан кўпроқ фойда келтираяпти. Ўнинг эвазига йўлларнинг юргизгич гастакларини металл ўрнига капрондан ясаш ҳақидаги таклифи ҳам тақдирга сазовордир. Бу ғалтаклар капрондан ясалганда анча енгил ва кўлга чидайдиган бўлади.

Неъматилла Мирзаев бошқа бир қанча таклифларини ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилган. Улар ҳар йили ўнларча минг сўмлик давлат маблағини иқтисод қилиш имконини беряпти. Ёш мутахассиснинг ижодий изланиши муносиб тақдирланди. Новатор 1970 йилда республика Ленин комсомоли мукофотини олишга сазовор бўлди.

Слесарь Н. Золотарев унумли ишлаш билан бирга тинмай ижодий изланиш олиб боради. Унинг ишлаб чиқаришга жорий қилинган қатор таклифлари бор. Йигирув машиналарида йигириладиган ғалтакдаги маҳсулот миқдорини кўпайтириш ҳақида берган таклифини амалга ошириш билан ҳар йили 9 минг сўм иқтисодий самара кўриляпти. С. Николаева, К. Стрельцов, А. Ҳакимбоева ўртоқлардан иборат бир группа новаторлар тикув ипларини оқартириш технологиясини ўзлаштиришга эришдилар. Бу билан ҳар йили 20 минг сўмликдан кўпроқ фойда олиш имкони туғилди. Катта инженер Хожимурод Тўлағанов, мастер Евгений Поливанов, слесарлардан Владимир Игнатьев, Аҳад Муродов ўртоқлар ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар билан чиқишган.

Комбинат новаторлари шу кунларда янада ғайрат кўрсатишаяпти. Улар йил охиригача яна юзлаб таклифларни жорий қилишга ваъда беришди. Азаматлар албатта бу ваъдаларнинг устидан чиқадилар. Уларнинг шу кунгача олиб борган самарали изланишлари шундан далолат бериб турибди.

М. МАҲМУДОВ.

„ИНТЕРКОСМОС-3" ПАРВОЗИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Космик фазони ўрганиш соҳасида социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги программасига мувофиқ 1970 йил 7 августда учирилган «Интеркосмос-3» йўлдошини бошқарувчи оператив техника группасининг навбатдаги мажлиси 26 августда бўлиб ўтди. Маълумки, «Интеркосмос-3» ташқи ионосферада радиацион вазиятни қуйи частотали электромагнит оғишларини тадқиқ этиш учун мўлжалланган.

Йўлдош 26 август эрталаб соат 10 тача Ер атрофини 279 марта айланиб чиқди. Йўлдошнинг СССР ва ЧССРда тайёрланган илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди. Болгария Халқ Республикаси, ГДР, СССР ва ЧССРнинг йўлдош бортини кузатиб туришда ва илмий ахборот қабул қилишда қатнашувчи ердаги станциялари белгиланган программани муваффақиятли бажармоқда.

Қуёш ҳаракати анча ошганлиги туфайли юз берган геомагнит ўзгаришлар муносабати билан 14 августдан 25 августгача йўлдошдаги илмий аппаратлар айниқса зўр бериб ишлади, жуда кўп ахборот олинди.

«Интеркосмос-3» йўлдошида илмий экспериментлар давом эттирилмоқда.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

Пойтахтимизнинг Киров районидаги 9-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилар коллективи меҳнат семестрида қардош болгарияликлар бунёд этаётган янги мактаб қурилишида муносиб ёрдам кўрсатмоқдалар.

— Мактабимизнинг бир группа ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам бу ишдан четда қолмадилар,— деб ҳикоя қилади 9-мактаб директори Илҳом Саъдиев.— Янги мактаб барча қулайлиги билан алоҳида ажралиб туради. У Болгариядан келтирилган янги жиҳозлар билан бойитилган. Ўқитувчилардан М. Тошўлатов, Ф. Каримов, Ё. Муҳаммаджонова, Т. Афанасьева, ўқувчилардан М. Зуфарова, Ш. Олимхўжаева, Т. Сатторов, М. Ортиқова ва бошқалар қардош бинокорларга намуналар кўмаклашишяпти. Бино ҳовлисини тозалаш, пол ва деразаларни ювиш сингари ишларда ёрдам бермоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

Убайдулла Душанов ўн йилдан бери Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида почтальон бўлиб ишлайди. У янги газета ва журналларни вақтида эгаларига етказиб бермоқда. Суратда: Убайдулла Душанов 2-бригада бошлиғи Абдували Ҳасановга хат-хабарлар топшираяпти.

А. Абалян фотоси.

АНГРЕНЛИКЛАР ОЗОДАЛИК УЧУН КУРАШДА

Ангрен шаҳар саноат корхоналарининг ишчилари, бинокорлари кенг жамоатчилик августнинг «озодалик ойи» деб эълон қилишди. Бу хайрли ишга бугунги кунда ҳар бир соҳанинг мухлислари сидқидилдан қатнашишмоқда. Уларнинг ташаббуси, ғайрат ва шижоати билан корхона ҳовлилари ва майдонлари, шаҳар кўчалари, йўлакалар ёғ тушса ялагудек қилиб тозаланмоқда.

Озодалик ойлигида айниқса актив қатнашаётган ГРЭС ташкилотлари, «Средазуголь»нинг уй-жой коммунал бўлими комбинати, шаҳар коммунал хўжалиги бошқармасининг 1, 2-уйжой бошқармаси коллективлари ҳамда шаҳар газ ва «Водоканал» бўлими ходимлари, 72-автобаза шофёрларининг ҳиммати ҳар қанча мақтовга арзийди. Бу корхона ва ташкилотларнинг каттадан-кичик ҳар бир ходими ўзи яшаётган шаҳар ва ишлаётган корхона шуҳратини ошириш, уни қадрлаш учун курашмоқда.

Лекин, шаҳардаги ҳамма корхона ва ташкилотлар маъмурияти, уларнинг коллективлари озодалик ойлигига актив қатнашаяпти деб бўлмайди. Жумладан, айрим ремонт қурилиш бошқармалари, гўшт комбинати, разрезни очиш ҳамда қозонлар бирлашмаси маъмурияти, 2-қурилиш монтажлаш бошқармаси раҳбарлари нима сабабдандир озодалик ойлигига ишчи коллективларини кенгроқ жалб этишмаяпти.

Ангрен шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми шаҳар территориясини янада ободонлаштириш ва санитария жиҳатдан озода сақлаш мақсадида эълон қилинган ойликни янада уюшқоқлик билан ўтказиш ва бу соҳада йўл қўйилаётган нуқсонларга қисқа вақт ичида барҳам бериш учун қўшимча тадбирлар белгилаб қарор қабул қилди.

Қарорда шаҳардаги ҳар бир корхона ва муассаса раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларига озодалик ойлиги давомида шаҳар озодалигига раҳбарлик қилаётган комиссия ихтиёрига ўз вакилларини юбориш, уларнинг иши устидан назорат ўрнатиш вазифаси топширилади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбарларининг озодалиги, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари шаҳар санитария жиҳатдан кўркам ва шинам бўлиши устидан доимий равишда контроль ўрнатишлари, бу муҳим ишни бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак.

Ш. АБРОРОВ.



МЕҲНАТКАШЛАР ХАТИГА ЭЪТИБОР ШУМИ

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Давлатимиз асосчиси Владимир Ильич Ленин давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ишида меҳнаткашлар хатларига катта аҳамият бериб, ҳар бир хатга ниҳоят сезгирлик билан, одилона муносабатда бўлишни талаб қилар эди. Меҳнаткашларнинг хатларига ленинча ғамхўрлик ва улар билан ишлаш қоидалари партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари ва декретларида ўз ифодасини топиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил август ойида чиқарган «Меҳнаткашларни қабул қилиш ва уларнинг хатларини кўриб чиқиш ишларини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг 1968 йилдаги Фармонида ҳам инсонга ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш ишига алоҳида эътибор берилади. Совет кишилари, деб уқтирилади қарорда, партия, давлат, касаба союз ва хўжалик органларига сиёсий ҳамда халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар тўғрисида хат ёзиб, саноат корхоналари, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маданият муассасалари, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишини яхшилаш тўғрисида ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар. Советлар, хўжалик ҳамда жамоат ташкилотлари иш фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиб ўтадилар. Бу эса партиямиз билан халқимиз алоқасини янада кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Аҳолини давлат ишларини бошқариш ишига кенгроқ жалб этиш, ҳал қилинмаётган ҳаётий масалаларда жамоат фикрини акс эттириш имконини беради.

Чилонзор районида ҳам аҳолининг хат, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ишини яхшилаш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришилди.

Ўтган 1969 йил мобайнида район Совети ижроия комитетига меҳнаткашлардан 3428 та ариза ва шикоятлар тушган. Шундан 3326 таси ўз муддатида кўрилган ва ҳал қилинган. Юбилей йилининг ўтган беш ойи мобайнида эса район аҳолисидан тушган 1507 та ариза ва шикоятнинг 1438 таси белгиланган муддатда кўриб чиқилган. 2361 киши қабул қилиниб, уларнинг ариза ва шикоятлари тинглангган.

Юқоридаги ана шу рақамларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, район Совети ижроия комитетининг хатлар билан ишлаш фаолияти гўё нуқсонлардан холидек кўринади.

Район Совети ижроия комитетининг раҳбарлари меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларнинг ижроси устидан пухта назорат қилиб боришмаяпти. Район ижроия комитети ва бўлимларининг айрим раҳбарлари ариза ва шикоятларнинг ойлаб оқибатсиз қолиб кетишига сабабчи бўлмоқдалар.

Масалан, шу йилнинг 9 январида Чилонзор массиви, 6-квартал 6-уй, 38-квартирада яшовчи В. М. Поливанова деган аёлнинг «уй-жой шароитини яхшилаш»ни сўраб ёзган аризаси ижрокомга келган эди. Ариза шу куниёқ ижроком раисининг ўринбосари ўртоқ У. А. Ризаевга оширилди. Ариза Ризаевнинг тортмасида кўп эмас, уч кунгина ётгач, тўртинчи куни Ризаевнинг имзоси билан бир чеккасига резолюция қўйилди. Хўш, бу резолюция билан хат авторининг талаби қондирилдими? Йўқ, уни ҳал қилиш учун тўртинчи уй-жойдан фойдаланиш контораси бошлиғига ҳавола қилинди. Орадан 10 кун ўтгандан кейин уй-жойлардан фойдаланиш контораси бошлиғининг хулосаси ёзилган ариза яна Ризаевга қайтарилди. Ризаев эса 20 январда яна шу конторага, бу контора эса уй-жой бўлимига оширди. Орадан 22 кун ўтгач, шу йил 31 январда, уй-жой бўлими Поливановага қуйидаги мазмунда жавоб хати юборди:

«Квартира масаласини ҳал қилиш учун Сиз душанба куни уй-жой комиссиясининг йиғилишига эрталаб соат 10 дан соат 1 гача келишингиз шарт». Бу масала ўша куни муҳокама қилишга қилинди-ю, лекин ҳал бўлдими ёки йўқми, буёғи ҳали ҳам қоронғи. Эҳтимол, ҳали ҳам муҳокама қилишаётган бўлса, ажаб эмас.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Шу йил 3 февралда «Чарх-Камалон» маҳалла аҳолиси маҳаллада нон дўкони очиб беришни сўраб, ариза беришган эди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Б. И. Бугров ариза четига жимжимадор резолюция қўйиб, уни бажариш учун райпищеторг ходими Ш. Т. Гурневичга оширади. Шундан буён орадан тўрт ойдан кўпроқ вақт ўтди. Ўртоқ Бугров ўзи имзо чеккан ариза натижаси билан қизиқдими? Йўқ, аризанинг тақдири шу кунга қадар номаълум.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда район ижроия комитетининг квартира бўлимида ҳам юқоридаги каби кўпол хатоларга йўл қўйилмоқда.

Жумладан, 1969 йилда квартира бўлимига меҳнаткашлардан 2305 та ариза тушган бўлса, шулардан 500 дан ортиғи ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги сабабли икки ёки уч маротабадан юборилган. Шундай эътиборсизлик сабабли кишилар бўлим эшигини бир эмас, бир неча бор очиб кириб келишга мажбур бўлишмоқда. Охири бирор фойдали натижа олишга кўзлари етмагач, юқори партия ва совет ташкилотларига ёзишга мажбур бўлмоқдалар.

Масалан, А. К. Шишков деган кишининг ўтган 1969 йил 13 февралида «уй-жойдан кўчирилиши муносабати билан ҳисобга олиб қўйишни» сўраб ёзган аризаси уй-жой бўлимида қарийб 11 ойгача ҳал қилинмай ҳаракатсиз ётган. Бу масала, ниҳоят, ўтган йилнинг декабрь ойида ҳал қилинганлиги ҳақида хат эгасига жавоб берилган. Ўтган 1969 йилнинг 10 февралида квартира сўраб, ариза берган Е. Кузнецовага орадан олти ой ўтгандан кейин фақат квартира олиш учун ҳисобга олиб қўйилганлиги ҳақида хабар берилди.

Ёки мана бу мисолни олайлик. Физкультура институтининг ўқитувчиси ўртоқ А. Будек соғлиги яхши бўлмаганлиги сабабли юқори қаватдаги уйи ўрнига биринчи ёки иккинчи қаватдан квартира сўраб, шу йил январь ойида ариза берди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети, Фрунзе райони соғлиқни сақлаш бўлими ва Чилонзор район ижроия комитети медицина комиссиялари ҳам унинг илтимосини қондириш тўғрисида ижроия комитетга талабнома йўлладилар. Шундан кейин район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ризаев имзоси билан Будек қуйидаги мазмунда жавоб хати олди: **«Аризангиз уй-жой фондини тақсимлаш ва ҳисобга олиш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилди, имконият бўлган куни квартирангиз биринчи қаватга алмаштириб берилади».**

Мантиқсизликни қаранг-ки, орадан 20 кун ўтгач, 10 февралда Будек Ризаев имзоси билан иккинчи бор қуйидаги мазмунда хат олди:

«Квартирангизни алмаштириш масаласини ҳал қилиш учун уй-жой шароитингиз текширилганлиги ҳақида справка келтиришингиз керак». Қизиқ, уй-жойни алмаштириш учун шундай справка лозим экан, нима учун ўртоқ Ризаев ортиқча қоғоз сарфлаб, алоқа бўлимини сарсон қилиб, юқоридаги хатни юборди экан.

Шу йил январь ойида республика партия ташкилотидан текшириш ва чора кўриш учун район ижроия комитетига юборилган Григорянц деган кишининг аризаси ҳам ярим йилдан буён жавобсиз ётибди. Ариза чеккасига район ижроия комитетининг раиси узундан-узоқ имзо чекиб, уй-жой бошқармасига узатган. Ариза юзасидан бир неча киши ишдан қолдирилиб, комиссия тузилди. Текширишда фактлар тўла тасдиқланади. Лекин, натижачи? Григорянцга аризаси тўғрилиги айтилади-ю, уйдаги иситиш батареясини ўзгартириш тўғрисидаги талаби натижасиз қолаверади.

Бундай кўнгилсиз ва ташвишли фактлар район ижроия комитетининг бошқа бўлимларида ҳам тез-тез учраб турибди.

Район Совети ижроия комитетининг ҳар бир ходими шуни унутмаслиги керакки, ижрокомга, унинг бўлим ва бошқармаларига тушаётган аризалар, шикоятлар орқасида меҳнаткаш инсон турибди. Ҳар бир хатга берилган эътибор — бу меҳнат аҳлига берилган эътиборимиз бўлади.

А. МИРСОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар совети ижроия комитети хатлар бўлимининг мудири.

А. ШАЙХОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ТОҒ ЁНБАҒИРЛАРИДА КЎПЛАБ МЕВА ЕТИШТИРАЙЛИК

Мева ва узумни кўпайтиришда тоғ ёнбағирларидаги жойлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўп йиллик ўтказилган тажрибалар тоғ районларида етиштирилган меваларнинг мазаси боғларда етиштириладиган меваларникидан кам эмаслигини кўрсатди. Лекин шунга қарамай, ҳали ҳам бизда тоғ ёнбағридаги ерлардан фойдаланиш талабга жавоб бераркли эмас.

Тоғ бағри ва баҳорикор ерларга мевали дарахт ўтказишни айниқса куз пайтида ташкил қилиш ҳар тарафлама фойдалидир. Тажриба шуни кўрсатдики, кузда ўтказилган мевали дарахтларнинг кўчатлари нобуд бўлмай, хатосиз кўкаради ва ўз вақтида ҳосилга киради.

Кузда ўтқазиладиган кўчатларни ҳозирдан тайёрлаб қўйиш лозим. Мева кўчати экиладиган майдончаларни текислашга киришиш вақти келди. Агар дарахт кўчатлари ўтказиладиган жойлар тўғри танланилса ва текис қилинса, бундай жойларда қисқа вақт ичида боғ-роғлар яратиш мумкин. Шунинг учун ҳам тоғ ёнбағирларидаги ерларни шу мақсадлар учун ажратишда мутахассислар фаол қатнашмоқлари керак. Олмазор ва узумзорлар учун ажратиладиган ерлар механизациядан самарали фойдаланиш учун қулай ҳолатда бўлиши керак. Кўчат ва ток қаламчаларини техника ёрдами билан ўтказиш ҳам харажатларнинг камайишига яқиндан ёрдам беради. Тоғ ёнбағирларини аввал зинапоя усулида ишлаш, сўнг ҳайдаш мақсадга мувофиқдир.

Дарахт кўчатлари ва ток қаламчалари ўтказиладиган зинапоялар 50—60 сантиметр чуқурликда шудгор қилинмоғи керак. Бу эса намнинг узоқ сақланиши ва бир текисда тупроққа сингиб кетишини таъминлайди. Асосан боғлар ўн градус қияликларда ташкил қилинади. Бундай ерларда нам кўп сақланади. Емғир, қор сувлари бефойда оқиб кетмайди. Айниқса, ёз фаслида сернам бўлади. Ўтқазилган кўчатлар тўла тутиб қолади. Шу билан бирга ҳосили ривожланади.

Дарахт ва узум қаламчалари 10 градус қияликларга асосан учбурчак шаклида уч метр оралиқда олиб борилади. Бу ишларни бажаришда бульдозер, грейдерлардан фойдаланилади. Ҳар бир зинапояларда тракторларнинг қайтадиган жойлари бўлиши лозим.

Тоғ ёнбағирларида боғ ва узумзорлар катта майдонларда ташкил қилингани маъқулдир. Бундай жойда меҳнатни ташкил қилиш анча енгил бўлади, ортиқча харажат ҳам зарур эмас.

Дарахтларнинг ҳосили ва тез ўсиши учун зинапояларни (террассаларни)— кенг қолдириш лозим. Уларнинг пуштаси 50 сантиметр бўлгани яхши. Кўчат ўтқазишдан олдин тайёрланган зинапояларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш катта аҳамиятга эга. Ўғитларни кўчат ўтқазишдан икки ой олдин тайёрлаб қўйиш керак.

Мевали дарахт кўчатлари ва ток қаламчаларини ўтқазишда уларнинг навига катта аҳамият бериш керак. Айниқса, совуққа чидайдиган шу билан бирга тоғ шароитига мослашиб кетадиган тезпишар мева дарахтлари ўтқазиш лозим.

Тажриба шуни кўрсатдики, тоғ ёнбағирларига олма, нок, шафтоли ўрик, олча, ёнғоқ, узум қаламчалари ўтқазиш айниқса фойдалидир. Олма кўчатини денгиз сатҳидан 1000—2000 метр баландликда шимолий-шарқ ва шимолий-ғарб қияликларига ўтқазмоқ керак. Олхўрини денгиз сатҳидан 900—1700 метр баландликдаги тоғ ёнбағирларининг шимолий ва шарқ қияликларига ўтқазиш мақсадга мувофиқдир. Олчани денгиз сатҳидан 800—1500 метр баландликдаги шимол, ғарб ва шарқ томондаги қияликларга ўтқазиш, ёнғоқни 1000—1500 метр баландликдаги шимолий ёнбағирликларга ўтқазиш лозим. Ток қаламчаларини эса денгиз сатҳидан 700—1100 метр баландликдаги тоғ қияликларининг жанубий ва ғарбий ён қирғоқларига ўтқазиш мақсадга мувофиқдир.

Қияликларга ўтқазилган олма ва нокнинг оралиқлари 6 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Ток қаламчаларини эса 2X2, метр, 2,5—2,5 оралиқда ўтказиш керак.

М. МИРЗАЕВ,
Ю. ДЖАВАКЯНЦ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



СССР Фанлар академиясига қарашли юқори температуралар институти Бутуниттифоқ электрлаштириш институти билан ҳамкорликда «ТГ-75Г» маркали автоматлашган иссиқлик генераторини ихтиро қилдилар. Суратда: электрослесарь Н. Шалопанов Куйбишев ва Керкаси областларига жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган иссиқлик генераторларини кўздан кечирмоқда.


Б. КОРЗИН фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ДЎСТЛИК ЭЛЕКТР ДАРЁСИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ-ШИМОЛИЙ ЧЕГАРАСИ, 24 АВГУСТ. (ТАСС мухбири). Бугун чегарадаги Пас дарёсида Норвеж гидроиншоот қурувчилари битказган Хевоскоскин гидростанциясини Совет Иттифоқига топшириш маросими бўлиб ўтди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри П. С. Непорожний ва Норвегия Саноат министри С. Ростофт янги ГЭС фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Гидростанция ишга туширилиши билан Пас дарёсидаги ГЭСлар каскади қурилиб бўлди. Хевоскоскин ГЭСи шартномада кўзда тутилган муддатдан 3 ой барвақт қуриб битказилди. Янги электр станция ҳосил қиладиган энергиянинг бир қисми Норвегиянинг Киркенес шаҳрига юборилади.



ҚИРГИЗИСТОН ССР. Тўхтоғул ГЭСи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Бу ердаги тўғоннинг баландлиги 200 метрдан ошади. Ҳозир эса у 25 метр баландликка кўтарилди. Суратда: Тўхтоғул ГЭСи қурилишида.

Н. СИРИГИН фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

«ПИНГВИН» ТИКСИДА ҚИШЛАЙДИ

НОРИЛЬСК, 24 август. (ТАСС мухбири). «Пингвин» Швертботи Норильскдан Тиксига ўтишни тугатди ва у ерда қишлашга қолдирилди. Норильскдаги ДОСААФ радио клубида яхтадан олинган охирги хабар шу. Йиғинга юриш қатнашчилари уйга қайтадилар: темирчи Владимир Сметанкин Норильскка, қолганлар эса Москвага қайтиб борадилар.

Дарёлар ва Лаптевлар денгизи орқали бутун юриш, жумладан, Хатангада ва Косистий бурунида тўхташлар 40 кунга борди. Бу йил шарқий Арктикадаги мураккаб музлик вазият елканлар остида Чукотка соҳиллари сари сузишни давом эттиришга имкон бермайди, лекин бу иш келгусида қилиниши мумкин.

ЎҚИТУВЧИЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон пойтахти мактаб ходимларининг кўп минг кишилик армияси янги ўқув йили арафасида ўзининг одатдаги педагогик кенгашига тўпланмоқда.

26 августда ўқитувчиларнинг район кенгашлари бошланди. Шу кенгашларда юбилей йилида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида мактабларнинг вазифалари тўғрисида район партия комитетларининг секретарлари доклад қилдилар. Шундан кейин халқ маорифи бўлимларининг раҳбарлари педагогларни ўқиш плани ва мактаб программаларига киритилган ўзгартишлар билан таништирдилар, ўтган йили педагогика коллективларининг шу соҳада тўпланган тажрибалари тўғрисида сўзлаб бердилар. Ўқитувчилар докладларини муҳокама қилиш чоғида тажрибаларни ўртоқлашдилар, бутун мактаб ишини янада такомиллаштириш мақсадида бир қанча таклифлар киритдилар.

Район кенгашларидан кейин ўқитувчиларнинг секция йиғилишлари бўлади. Янги программага ўтадиган бошланғич синфларнинг ўқитувчилари район секцияларида тил ва математикани ўқитиш методикаси тўғрисида фикрлашиб оладилар. Шаҳар миқёсида ўтадиган секция мажлисларида юқори синфларнинг ўқитувчилари тарих ва жамиятшунослик, физика, химия, география, биология ва бошқа фанлардан дарсларни қандай ўтказишга доир янги тавсияларни ўрганадилар. Пионервожатийлар ва мактабдан ташқари тарбиявий иш ташкилотчилари, директорлар ва илмий бўлим мудирлари, болалар уйларининг шарқ тиллари ўқитувчиларининг ҳам кенгашлари ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК КИНОФЕСТИВАЛИ

Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатларининг иккинчи халқаро кинофестивали очилишига саноқли кунлар қолди. Ҳиндистон, Сурия, Ливан, Бирлашган Араб Республикаси каби кўпгина мамлакат санъаткорлари пойтахтимиз меҳнаткашлари олдида ўнлаб фильмни намойиш этадилар.

Кинофестиваль фақатгина кинематографлар маҳоратини ошириш учунгина хизмат қилмай, балки улар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Шаҳар кинофикация бошқармаси 15 сентябрда бошланадиган фестивалини юксак савияда ўтишини таъминлаш учун ҳозирданоқ пухта тайёрлик кўрмоқда. Кино санъати муҳлисларининг хоҳиш ва истакларига биноан абонементлар сотиш ҳам ташкил этилади.

ШИФОХОНАЛАРДА ЯНГИ БЎЛИМЛАР

Ҳозир медицинада даволашнинг турли усулларидан самарали фойдаланилмоқда. Физиотерапия беморларга ҳам дам, ҳам даво бахш этувчи фойдали усул сифатида кенг ривож топди.

Эндиликда бевосита физиотерапия билан шуғулланувчи шифохоналар ишлаб турибди. Шу билан бирга областимиздаги йирик шифохоналарда физиотерапевтик бўлимлар очиш лозим, деб топилди.

Яқин йиллар ичида Тошкентдаги 15-шаҳар касалхонаси ўзининг шундай бўлимига эга бўлади. 14-болалар касалхонасида очилажак физиотерапевтик бўлим ҳам шифохона истиқболини белгилайди.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

НАМИБИЯ ХАЛҚИ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШМОҚДА

АДДИС-АБЕБА, 26 август. ТАСС махсус мухбирлари Б. Васильев ва И. Кулешов хабар берадилар: Африка Бирлиги Ташкилоти министрлар кенгашининг Аддис-Абебада ўтказилаётган сессиясида Намибия халқи бутун дунё халқларини ирқчи Жанубий Африка Республикаси зулмидан озод бўлиш учун курашда бу мамлакат халқини қўллаб-қувватлашга чақирди. 26 августда Намибия халқи қуролли кураши бошланган кун нишонланади. Шу муносабат билан Ғарби-Жанубий Африка халқ ташкилотининг ташқи алоқалар бўйича секретари Питер Муешинанге ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

«Намибия халқи 4 йил муқаддам Ғарби-Жанубий Африка халқ ташкилоти байроғи остида ирқчилар режимининг қўшинларига қарши жанг бошлади. Бизнинг халқимиз ўша куни бундан буён ирқчилар ва фашистлар ҳокимиятига тоқат қилолмаймиз, деб баралла айтди».

Питер Муешинанге қуйидагиларни айтди: Жанубий Африка Республикаси Намибия халқининг курашини бутун кучлари билан тор-мор келтиришга уринибгина қолмай, балки Родезия, Ангола, Мозамбик ва Гвинея (Бисау)даги миллий озодлик ҳаракатини бостиришда ҳам қатнашмоқда. Шу муносабат билан Ғарби-Жанубий Африка ирқчиларига бевосита ва билвосита ёрдам бераётган ғарб мамлакатларининг сиёсатини кескин қоралади.

Ғарби-Жанубий Африка халқ ташкилотининг бошқа вакили А. Шипанга Совет Иттифоқининг Намибия масаласида тутган равшан ва қатъий йўлига юксак баҳо берди. Совет ҳукумати ва совет халқи, деди у, Намибия халқининг озод ва мустақил бўлиб қолишини истайди.

ЧКП 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ПРАГА, 26 август. (ТАСС). 1971 йил май ойида Чехословакия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги нишонланади. Ўрта Чехия область, Кралув-Двур шаҳридаги металлургия заводи коллективи ЧКПнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мажбуриятлар олди. Металлурглар маҳсулотнинг энг камчил турларини кўпроқ ишлаб чиқариш, буюмларнинг сифатини яхшилаш, янги машина-ускуналарни муддатидан илгари ишга тушириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, электр энергияси хом ашё материалларни тежашга аҳд қилдилар. Коллективнинг кучи билан болалар спорт майдончаси, ҳовуз қурилиш, завод территориясини ва шаҳарнинг заводга туташ кўчаларини обод қилишга қарор берилди.

Завод коллективи Чехословакия корхоналарининг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни мусобақага қўшилишга ва бу мусобақани умумхалқ харакатига айлантиришга даъват этди.

ОКИНАВАЛИКЛАР ДАРҒАЗАБ

ТОКИО, 26 август. (ТАСС). Окинава аҳолиси нерв-паралитик таъсир кўрсатувчи ажал гази запасларининг Япониядаги шу ороллардан олиб кетилишини талаб қилмоқда. Рюкю ороллари маъмуриятининг бошлиғи Тнобо Яра, деб хабар беради Киодо Цусин агентлиги, бугун қуйидагиларни айтди: АҚШ окинаваликларнинг ҳаёти ва осойишталигини тамомила хавф остида қолдирмоқда. Президент Никсоннинг АҚШ ажал газини олиб чиқиб кетади, деб айтган гапларига қарамай, деб таъкидлади у, бу газ ҳали ҳам Окинавада қолдирилмоқда.

Атом ва водород қуролини ташқиловчи Окинава кенгаши ҳам ажал газининг Окинавада сақланишига қарши норозилик билдирди.

ЯРРИНГНИНГ НЬЮ-ЙОРКДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Г. Ярринг Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюциясини амалга ошириш йўллари тўғрисида келишиб олиш мақсадида кеча Бирлашган Араб Республикаси, Иордания ва Исроил вакиллари билан дастлабки учрашувларни ўтказди.

У Бирлашган Араб Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Муҳаммад аз-Зайёд билан, Иорданиянинг АҚШдаги элчиси Ҳамид Шараф билан, Исроилнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Н. Текоа билан учрашди.

Бирлашган Араб Республикасининг вакили аз-Зайёд Г. Ярринг билан учрашганидан кейин Яқин Шарқ масаласи Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюциясини бажариш асосида тинч йўл билан ҳал этилиши лозим, деб таъкидлади.

Иордания вакили Ҳамид Шараф Г. Ярринг билан қилган суҳбатини «самарали учрашув» деб атади. У айтдики, Иордания Исроил қўшинларининг ҳаммасини барча территориялардан олиб чиқиб кетишни ва араб қочоқлари тўғрисидаги масалани адолатли ҳал этишни талаб қилади.

Исроил вакили Текоанинг журналистларга айтган гаплари Тель-Авив Яқин Шарқдаги тангликни бартараф қилишга халақит бераётган ғовларни ҳануз вужудга келтираётганини кўрсатади. Текоа Г. Ярринг билан учрашганидан кейин «ўз ҳукумати билан маслаҳатлашиш» учун тез орада Исроилга жўнаб кетганлигига шу нуқтаи назардан баҳо бермоқдалар.

ХАНОЙДАГИ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ХАНОЙ, 26 август. (ТАСС). Бу йил Ханойдаги қурилиш ташкилотлари олдида катта вазифалар турибди. Шаҳардаги қурилиш ишлари ҳажми шу пайтга келиб ўтган йилнинг ана шу давридагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Озиқ-овқат саноати иншоотлари қурилишига анча катта эътибор берилмоқда: нон-булка маҳсулотлари заводи ва бошқа корхоналар тез орада ишга туширилади.

Ишчилар Ханойда янги уй-жой кварталлари қурилишида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Монтажчилар илгари 240 квадрат метрли икки қаватли бир уйни 7 кун ичида қурган бўлсалар, ҳозир Вьетнам Демократик Республикасининг 25 йиллиги шарафига ўтказилаётган мусобақа вақтида бу ишнинг муддати икки кун қисқартирилди.

Ханойдаги қурилиш майдончаларида ишлар зарбдор суръатлар билан олиб борилмоқда.

ХАЛҚАРО КЕНГАШ

СОФИЯ, 26 август. (ТАСС). Кеча Болгария Фанлар академиясининг биносида, дейилади БТА агентлигининг хабарида, социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг халқаро кенгаши очилди. Олимлар «Одам ва унинг ҳаётий муҳити» мавзуини муҳокама қилмоқдалар.

ТИНЧЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЛОНДОН, 25 август. (ТАСС). Буюк Британия Компартияси халқаро бўлимининг раҳбари Жек Уоддис «Морнинг стар» газетасида бундай деб ёзади: «Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган ва Москвада имзоланган шартнома Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиб беради». Шартнома хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган умум Европа кенгашини тайёрлашда йўл тозалаб берди.

Совет Иттифоқининг изчил тинчликсевар сиёсати, социалистик лагерь қудрати ва Ғарбий Европа халқларининг талаблари, дейилади мақолада, Германия Федератив Республикасининг ҳукумат доираларида реализм ва соғлом фикр туйғулари пайдо бўлишига ёрдам берган омиллардир.

ҲАВО УРУШИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 26 август. (ТАСС). Америка самолётларининг Камбоджага ҳужуми кенгайтирилмоқда ва кучайтирилмоқда. Матбуотнинг ёзишига қараганда, Америка авиацияси қилаётган ҳужумлар икки баравар кўпайган, шу билан бирга Американинг осмон қароқчилари Камбоджанинг ҳамма районларига чекланмаган миқдорда ҳужум қилмоқдалар.

Америка самолётлари Камбоджа территориясига ҳужум қилаётганлигига мудофаа министрлигининг вакили иқрор бўлди.



УДАН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Суратда: Хартум шаҳридаги бозорлардан бири тасвирланган.
БТА—ТАСС фотоси.

«МОСКВИЧ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИККИ БАРАВАР КЎПАЯДИ

Ленин комсомоли номли автомобиль заводи янги бош корпуси қурилишида масъулиятли босқич бошланди — технологик машина ускуналари монтаж қилинмоқда.

Заводдан сал нарида қисқа муддат ичида 228 минг квадрат метр саҳнли жуда катта корпус қад кўтарди. Унинг лойиҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг замонавий принциплари асос қилиб олинган. Цехлар лифтлар, осма йўллар, транспортёрлар билан узлуксиз боғланмоқда. 25 километрдан иборат турли конвейерлар монтаж қилинмоқда. Бу мавжуд ишлаб чиқаришдагига қараганда икки ярим баравар кўпдир. Кузов каркасини пайвандлаш ва бўяш каби сермеҳнат процесслар қарийб батамом автоматлаштирилади.

Механизация ва автоматлаштириш юксак даражада бўлганлиги туфайли автомобилларни тайёрлашга кетадиган меҳнат икки баравар камаяди.

Ҳисоб маркази программани режалаш ва цехларни оператив бошқаришда ёрдам беради. Марказ 14 қаватли маъмурий бинода жойлашади.

Заводни реконструкциялаш ва кенгайтириш натижасида бу ерда енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи намунавий корхона вужудга келтирилади. «Москвич» автомобилларини ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди.

(ТАСС мухбири).
Москва.

ИНФЕКЦИЯ ЙЎЛИГА ҒОВ

Совет мамлакатидан ташқарида ҳар хил миш-мишлар тарқалди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги хабар берган маҳаллий вабо касаллиги гўё жуда катта жойга тарқалган эмиш. Бунда улар мамлакатнинг турли пунктлари, катта территориясини тилга олишмоқда. Мана шу миш-мишлар хусусида нима дейиш мумкин ва ҳақиқатда аҳвол қандай?

— Вабо билан касалланиш ҳоллари ҳақиқатда Совет Иттифоқининг Астрахань областида қайд қилинди. Касаллик қўзғовчи Эль-Тор вибриони топилди. Бу вибрион кейинги пайтларда вабо чиққан жаҳоннинг кўпгина мамлакатларининг эпидемиологларига яхши таниш.

Унинг қандай хусусияти бор? Бу микроб орқали юққан касаллик, кўпгина тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, клиник ҳолда асосан енгил ўтади ва вибриониинг классик штамлари юқиши орқасида чиққан вабодан енгил ўтади.

Ҳали яқингача барча юқумли касалликлар одамларга катта хавф солиб келарди. Эндиликда аҳвол бутунлай ўзгарди. Замонавий медицина юқумли касалликларга қарши самарали курашнинг барча зарур воситалари билан қуролланди ва оқибат натижада унинг устидан ғалаба қилиш учун ҳамма имкониятларга эга бўлди. Астрахань областида вабога қарши муваффақиятли кураш олиб борилаётганлиги бундан далолат бериб турибди.

Инфекция тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар системасини қисқача қандай характерлаб бериш мумкин. Бу соҳада қандайдир қийинчиликлар борми?

Бунда биз аввало совет профилактик медицинаси тўплаган бой тажриба ва бу соҳадаги муваффақиятларга таянамиз. Совет соғлиқни сақлаш иши ҳамиша профилактика принциплари асосига қурилиб келган. Бундан буён ҳам шундай бўлади. Юқумли касалликларга қарши кураш эса Совет давлати ташкил топган дастлабки кунларданоқ унинг асосий вазифаси бўлиб қолган. Жуда қисқа муддат ичида мамлакатда кўпгина хавфли инфекциялар батамом тугатилди. Гоят катта куч ва маблағлар эвазига бунга эришилди. Ўша вақтдаёқ СССРда санитария-эпидемия хизматига асос солинган эди. Ҳозир санитария-эпидемия хизмати бизга дизентерия, ичтерлама тарқалишининг олдини олишга ёрдам бермоқда. Ваҳоланки, вабонинг олдини олиш принцип жиҳатидан мана шу ичак касалликларига қарши курашда қўлланиладиган тадбирлар комплексидан фарқ қилмайди. Негаки, бу касалликлар микробларининг тарқалиш йўли бир хилдир.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқида юқумли касалликлар, хусусан ичак инфекцияларига онд махсус қарорлар қабул қилинди. «СССР ва иттифоқчи республикаларининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонун асосларн» 1970 йил 1 июлдан кучга кирди. Бу қонунда давлат барча хўжалик ташкилотлари, министрликлар, идоралар зиммасига сув ҳавзалари, тупроқни нфлосланишлардан сақлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилишни юклайди. Ичак нфекцилларининг сувдан тарқалишининг олдини олиш — улар профилактикасида энг самарали воситалардан биридир.

Биз вабони даволаш учун барча воситаларга эгамиз. Астрахань вокеаси шуни кўрсатмоқдаки, врачларнинг ўз вақтида аралашуви амалда юз процент муваффақиятга эришиш — беморларнинг батамом соғайиб кетишига кафолот беради. Вабога қарши эмлаш ҳам профилактик воситаларнинг биридир.

Инфекция тарқалишидан сақланадиган территория ҳамма вақт зарарланган манбадан анча катта бўлади. Мана шунинг учун ҳам, табиийки, биз одамларнинг Астраханддан бошқа ерга боришини тўхтатибгина қолмай, айрим порт шаҳарларида, айни чоқда Совет Иттифоқининг бир қатор курорт шаҳарларида маълум чеклашлар қилдик, улардан мақсад миграцияни, аҳолининг ёзги дам олиш билан боғлиқ бўлган бетартиб ҳаракатини камайтиришдир.

Вабо билан касалланишнинг инкубацион, яширин рйвожланиш даври беш кунгача давом этади. Мана шу муддат давомида касалликни пайқаш қийин, дарҳол диагноз қўйиб бўлмайди. Шунинг учун шубҳа қилинган ҳамма одамлар, бу ўринда ичак касалликлари билан огриганларнинг ҳаммасини медиклар беш неча кунга кузатишга олиб қоладилар. Бу кузатиш одам соглом бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қилингандагина бекор қилинади. Бу тадбир зарур бўлган вақтда даволашни вақтида бошлаш учунгина керак бўлиб қолмай, у инфекция тарқалиши мумкин бўлган имкониятларни йўққа чиқаради.

Санитария-эпидемия хизмати дуч келаётган энг катта қийинчилик бу— «соғлом одам психологияси»дир. Биз соғ эканмиз, ўзимизни хавф-хатардан ҳоли деб ҳис қилаверамиз. Кўпинча одамлар ҳар қанча огоҳлантирилмасин, эҳтиётқорликни унутиб қўйишади: яхшилаб ювилмаган ҳўл мева, сабзавот, қайнатилмаган сут, туристик походларда эса текшириб кўрилмаган булоқлардан сув ичиш — буларнинг ҳаммаси инфекция тарқалишига олиб келадиган йўлларидир.

Ҳозир ёз вақтида, отпуска вақти бўлгани учун кўпгина курорт районлари, айниқса Қримнинг жанубий соҳили ва Кавказ дам олувчилар билан тўлиб кетган. Санатория ва дам олиш уйларида, пансионатларда сув ва озиқ-овқатнинг сифати қатъий назорат қилиб турилибди. Гигиенанинг ҳамма қоидаларига риоя қилинмоқда. Ўз отпускасини путёвкасиз, ўз ҳолича ўтказаётганларга нисбатан бу тадбирларни қўлланиш қийин. Шунинг учун Қрим ва Кавказга ўз ҳолича келиб дам олувчилар оқимини вақтинча чеклаш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада соғлиқни сақлаш ходимларига алоқа, транспорт ташкилотлари катта ёрдам бермоқда.

Инфекция манбан аниқландими?

— Биз тор қобиқда яшамаймиз. СССРнинг савдо, маданият, спорт соҳасида жаҳоннинг бошқа давлатлари билан кенг алоқаларини эслашнинг ўзи кифоя. Ваҳоланки, ана шу мамлакатларнинг кўпчилигида, афсуски, эпидемология хизмати Совет Иттифоқидагидан тамомила бошқача ҳолда. Ҳатто АҚШ, Англия, ГФР каби қатор тараққий қилган капиталистик мамлакатларда ҳам юқумли ичак касалликлари муҳим социал проблема бўлиб қолмоқда. Масалан, президент Ж. Кеннединнг 1962 йил февралида Конгрессга йўллаган мактубида АҚШда ҳар йили 2 миллиондан ортиқ киши ичак инфекцияларига мубтало бўлиши таъкидланган эди.

Чегараларни санитарчя жиҳатидан пухта қўриқлаш, Совет Иттифоқининг барча территориясида пухта ташкил қилинган санитария-эпидемия хизмати инфекциялар ўтиши ва тарқалишининг йўлини тўсишга ёрдам бермоқда.

Медицина, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар туфайли вабонинг традицион манбаларидан ташқарига тарқалиш хавфи камайди, деб ўйлаш хато бўлур эди. Вабо бутун қитъаларни бўйбўш қилиб қўйиб, давлатлар чегараларидан осонгина ўтиб жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида миллионлаб кишиларни нобуд қилган замонлар орқада қолди. албатта. Сўнгги — олтинчи пандемия, маълумки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирида рўй берганди. Шундан сўнг, 1926 йилдан бошлаб касаллик ўз манбалари жойига — Ганг дарёси дельтасига қайтиб кетди, деб ҳисобланарди. Ҳар қалай кейинги қирқ йил мобайнида гоҳ-гоҳдагина касаллик қайд қилинди. 1961 йилгача вабонинг кенг жойга тарқалиши тугатилди, деб ҳисоблаб келинган.

Бироқ, 1961 йили Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океаннинг ғарбий қисмида вабо янгидан кенг жойга тарқалганлиги қайд қилинди. Ўшанда ҳам бу Эль-Тор вибрионидан чиққан эди. Биринчи марта бу вибрион 1905 йил Мисрдаги Эль-Тор карантин лагерида Маккага келган зиёратчилар жасадидан чиққан. Бу зиёратчилар вабонинг классик формаси билан оғриган эдилар.

Дастлаб бу эмбриондан чиққан вабони эндемик инфекция сифатида Сулавеси (Целебес)да қайд қилишган. Мана шу жойдан у 1961 йили тарқала бошлаган, деб ҳисоблаб келинади.

1965 йили вабо 23 мамлакатга тарқалди. Ваҳоланки, булар орасида бир неча ўн йил вабо кузатилмаган мамлакатлар ҳам бор эди. Вабо Эронга тарқалганда, у ерда 3 мингга яқин киши оғриди. СССРнинг Осиё қисмида 500 дан ортиқ кишида оғриш қайд қилинди. Расмий статистика маълумотларига қараганда, 1965 йил жаҳонда ҳаммаси бўлиб 51 минг 334 та касалланиш ҳолати қайд қилинган эди.

Эль-Тор вабосини эпидемиологик жиҳатдан кузатиш олиб борган чет эл тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, бу инфекция вақтида вибрионни олиб юриш ҳолати минг кундан ортиқ давом этиши мумкин. Ҳатто касал бўлган одам муваффақиятли даволангандан кейин ҳам аввалгидек вибрион ажратаверади. Мана шунинг учун ҳам Совет Иттифоқининг шундай кенг зоналарида профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Эпидемиолог сифатида Сиз ва Сизнинг ҳамкасбларингиз олиб борилаётган курашни қандай баҳолайсиз? Яқин вақт ичида вабо касаллигига барҳам берилади, деб ҳисоблайсизми?

— СССРда юқумли касалликларга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадики, бу соҳада муваффақият одатда инфекциянинг йўлини тўсувчи умум-санитария ва бошқа тадбирлар комплексининг ҳажми ва ўз вақтида ўтказилишига боғлиқдир. Астрахандан ташқарида вабо тарқалишининг олдини олиш учун кўрилган тадбирлар анча барвақт, агар айтиш мумкин бўлса катта «запас вақт» билан кўрилган. Шунинг учун ўйлаймизки, яқин вақт ичида касалликка барҳам берилади. Бугунги кунда Астраханда касалликни тугатиш иши муваффақиятли олиб борилмоқда.

(АПН).

Новости матбуот агентлиги мухбири Светлана Винокурова Совет Иттифоқининг Астрахань области территориясида вабо билан оғриш ҳоллари тўғрисидаги хабарга оид бир неча саволларга жавоб бериш учун таниқли совет олими, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Марказий эпидемиология институтининг директори, профессор АЛЕКСЕЙ СМОРОКОВга мурожаат қилди.



Пойтахтимиздаги ўйинчоқлар фабрикасининг аҳил коллективи партия XXIV съезди шарафига баракали меҳнат қилишмоқда. Суратларда: (юқорида) йиғувчи И. Василенко, (ўртада) Л. Шетилова ўртоқлар. Улар куплик нормани доимо ошириб адо этишмоқда. Шу фабрика маҳсулотини завқ билан ўйнаётган қизчанинг (пастда) лабида табассум мавж уриб турибди.

Т. КАРИМОВ фотолари.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

СОВЕТ ҚОЗОҒИСТОНИ — 50 ЁШДА

10.00 — Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси олиб кўрсатилади. 17.30 — Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Олий Совети тантанали мажлисининг давоми. 19.00 — Қозоғистон ССР ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигига бағишланган концерт (В. И. Ленин номидаги Маданият саройидан олиб кўрсатилади).

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — «Ахборот» информацион программаси (рус ва ўзбек тилларида).

Ўзбек тилида: 22.30 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Олтин водий» программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Хайр, пионер ёзи! 20.25 — Чолғу нуқ. ларидан концерт 21.05 — «Усть. илимнинг икки куни» (Кинофильм).

Рус тилида: 21.25 — Фильм, концерт. 22.05 — «Эгалари» (Ҳужжатли фильм). 22.25 — А. Островский. «Оташ қалб» (Фильм спектаклнинг иккинчи қисми).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VIII да Гулсара, 29/VIII Оқнуш нўли 30/VIIIда Доктор Айболит (кундузи). Анда (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VIII да Уғирланган умр, 29/VIII да Аяжонларим, 30/VIII да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/VIII да Ажаб савдолар, 29/VIII да Қалам қошлигим (қишки бинода). 30/VIII да Елғончи даркор.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Европалик келин — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», (кундуз ва кечқуруи).

Гул ва тўш — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи).

Нон, севги ва фантазия — «КОМСОМОЛ 30- ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Уй васиқасини олган киши — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Парад-алле — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Баҳор сувлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.40 минут ва 10 да бошланади).

Европалик келин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ун оттинчи осмон — «ХИВА».

Графиня Коссель — «ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

28 АВГУСТДА

КЎЗГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ПРОГРАММАДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Владимир Борисов

Томошалар неч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта: кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан неч 8 гача очиқ.

А. НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

28 АВГУСТДА

ГУЛСАРА

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артистнаси ҲАЛИМА НОСИРОВА

Ўзбекистон ССР халқ артисти — Жамол НИЗОМХЎЖАЕВ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Эргаш ЙЎЛДОШЕВ, Ойниса КУЧЛИКОВА, Ксения ДАВИДОВА; солистка Раъно ҲИДОЯТОВА ва бошқалар.

Спектакль неч соат 7 ярим да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 АВГУСТДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Хоразм «Лазги» ансамблининг КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадний раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти ГАВҲАР РАҲИМОВА

Концерт неч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 4-СОН БЕКОБОД ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10-синф кажмидаги маълумотли 15 ёшдан юқори бўлган йигит ва қизлардан 1970-1971 ўқув йилига ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар юзасидан мутахассислар тайёрлайди: 3-класс трактрчилар, ўрмон хўжалиги мутахассислари, 3-класс профессионал шоферлар ва 3-разрядли автослесарлар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртида ўқилган бир йил — бир йиллик ишлаб чиқариш стажи сифатида ҳисобланади.

Ўқишга қабул қилинганлар бепул уч маҳал овқат, нийм-нечак, ётоқхона ҳамда 10-20 сўмгача стипендия билан таъминланади.

Билим юрти қошида Тошкент областига нарашли сиртқи ва қатнаб ўқийдиган кечки умумий таълим ўрта мактаби мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: тугилганлиги ва мактабни тугаллаганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, турар-жойдан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, ариза (таржимаи ҳоли, 3×4 см, ҳажмда 8 та фотосурат, мактабдан характеристика.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент область, Бекобод шаҳар, Киров поселкаси.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИНИНГ ҲАММА АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1969 йил 21 июль 211 сон қарорига биноан водопровод-канализация хўжалигини қишга тайёрлаш учун

1970 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРГАЧА

мавсумли водопроводларни бериткб қўйишни, водопровод жўмракларини ўраб қўйиш ва сантехник арматураларни профилактик тузатишни

Таклиф қиладм

Қишга тайёрланмаган водопроводлар кўшимча огоҳлантирилмасдан 1970 йил 1 октябрдан бошлаб шаҳар тармоғидан

узиб қўйилади

«Водоканал» трестининг «Водосбит» бўлими администрацияси.



ЯНГИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Шу йил сентябрь ойида «Жиноят ва жазо» номли янги фильм экранга чиқади. Ф. М. Достоевский романи бўйича суратга олинаётган бу фильм Максим Горький номли киностудиянинг ижодий ходимлари томонидан тайёрланмоқда. Постановкачи-режиссёр Л. Кулижонов, оператор В. Шумский. Суратда: Фильмдан кадр. (Ўртада)—Екатерина Ивановна (артист Майя Булгакова) унинг ёнида Соня Мармеладова (артист Татьяна Бедова.) ТАСС фотохроникаси.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

«ПОЛИТОТДЕЛ» ЯНА ЮТДИ

«Политотдел» юлхози футболчилари яна муҳлисларини хушнуд этдилар. Ўтган чоршанба куни улар ўз майдонларида Омскнинг «Иртиш» командасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Бу «Политотдел»нинг кетмакет тўртинчи ютуғидир. Кейинги ўйинлардаги муваффақият колхоз командасини яна пешқадамлар сафидан жой олишига имкон берди.

Энди политотделликлар кейинги уч учрашувни сафарда ўтказадилар. Улар Саратов, Ульяновск, Тольятти шаҳарларида бўладиган ўйинларда бўш келмасалар, олдинги мавқеларини яна тиклай оладилар.

Шу турда Ўзбекистоннинг бошқа икки вакили муваффақиятсиз қатнашди. Тошкентнинг «Трактор» командаси ҳам, Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари ҳам ўз майдонида маглуб бўлдилар. «Трактор» Тольятти шаҳрининг торпедочиларидан 2:3 ҳисобида, фарғоналиклар эса «Сокол»дан 1:2 ҳисобида енгилдилар.

Навбатдаги тур ўйинлари 1 сентябрда бўлади.

«ДИНАМО»НИНГ БЕШ ТЎПИ

Испаниянинг Барселона шаҳрида халқаро турнирда қатнашаётган Москванинг «Динамо» футболчилари маҳаллий «Барселона» командасини 5:0 ҳисобида йирик ҳисоб билан маглубиятга учратдилар ва финалга чиқдилар. Ҳал қилувчи ўйинда москваликлар Венгриянинг «Уйпешт-Дожа» футболчилари билан куч синашилари керак. Венгерлар ГФРнинг «Шальке-04» клуби спортчилари устидан 3:0 ҳисобида ғалабага эришган эди. Биринчи ўйинда москваликлардан Эштреков, Маслов, Еврюжихин (2та) ва Семин тўп киритдилар. 90 минг томошабин кузатган бу учрашувнинг бошидан-охиригача динамочилар устунлик қилишди.

БЕШ ПАНЖА ОҒИЗ ЙИРТАР

ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Қаршимизда тонгни урса талқон қиладиган, басавлат, қирқ ёшлар чамасидаги йигит ўтирипти. Унинг авзойи бузуқ. Ўзини ҳарқанча босишга уринмасин, кўзлари ола-кула, ранги бўзарган. Милиция бўлимига бекорга олиб келишмаганини яхши билади. Шундай бўлса ҳам ҳеч нарса билмагандек, ўзини эҳтиёт тутишга уринади.

...Арутюн Стамбулян Янги-йўлдаги авторемонт устахонасида катта мастер бўлиб ишларди. Область техника хизмати бўлимига қарашли бу устахонани у «ўз» устахонасига айлантириб олган, ҳохлаган одамнинг машинасини ремонт қилиб берарди. Ташкилот ва муассасаларга қарашли автомашиналарни ремонт қилиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар бирор бир воқеа содир бўлиб ремонт талаб хўжалик машинаси устахонага олиб келингудек бўлса, икки-уч ойлаб «навбат» кутиб «эҳтиёт қисм йўқлигидан» туриб қолиши ҳеч гап эмас.

Йўлдош Эгамбердиев шахсий «Москвич» енгил машинасида авариядга учраб уни устахонага олиб келди.

— 500 сўм берасиз,— деди Арутюн тап тортмай,— асли холидай қилиб бераман, ақаси.

— Инсоф билан сўранг. Олди чироғи бироз пачоқланган, икки жойи қирилган. Аккумулятор яхши ишламайди. Шунга 500 сўлкавой сўрайсизми?

— Ҳа, майли сиз учун 400 сўмга қилиб бераман,' энди бир сўм ҳам камайтирмайман. Ҳоҳласангиз шу, ҳохламасангиз...

Й. Эгамбердиев ноилож рози бўлди. Мастер унга машинани бир четга қўйишни буюриб, квитанцияни узатар экан, эртага кечга қолмай машинани олиб кетишни буюрди.

Й. Эгамбердиев квитанцияга кўз югуртирди. Унга қилинган ишлар рўйхати тиркалиб охирида 96 рақами ёнига имзо чекилганди. «Москвич» эгасининг тили қичиди-ю, ўзини босиб, тишини-тишига қўйиб чиқиб кетди.

Устахонада бундай «очиқ савдо» одат тусига кириб қолган. Мастер озига сиққанини сўрайди, квитанцияга эса хохлаганини ёзади. Н. Болтабовнинг «Запорожец» машинасини нари-бери кўриб берди-да 200 сўмини шилиб қолди. Овора бўлиб квитанция ҳам ёзиб ўтирмади. Усмон Абдуқодировнинг «Волга» машинасини ремонт қилиб 800 сўмини олди. қўлига эса 172 сўмлик квитанция тутқазди. Қодирқул Умаралиев, Илья Авереико, Комил Мелиев, Х. Бадиров ва бошқаларга қарашли машиналарни ремонт қилиб бериб, бир неча юз сўмлик бўлиб олди. У эгри йўл билан топган пулдан механик-уста И. Назаровга «чой-чақа» узатиб, қолганини ўғли билан жиндлонига урди.

— Машинангиз борми?

— Бор. Гражданин бошлиқ. Эски «Запорожец».

— Шоферлардан ремонт ҳақи учун ортиқча ҳақ олганингизни тан оласизми?

— Нима деяпсиз. Ҳеч кимдан ҳеч қанақа ортиқча пул олган эмасман. Квитанцияда ёзганини олганман, холос.

— Мана бу шоферларнинг тушунтириш хати. Уларнинг ҳаммаси сизни ортиқча хақ олганингизда айблашяпти.

— Исбот, керак, исбот, граждани бошлиқ.

Исбот дейсизми? Шаҳар милиция бўлимига қарашли хизмат машинасининг ойнасини ўрнатиб бериш учун фақат хизмат ҳаққингизга нимага асосланиб 30 сўм олдингиз.

— Қачон... эсимда йўқ...

Текинхўр тумшуғидан илинганини тушунди. Ҳаммаси, ҳаммаси тамом. У кўлидаги тилла узукни ўйнаб, бўйнини ҳам қилғанича тек турарди. Капитан кнопкани босди. Навбатчи киргач Стамбулян хўрсиниб ўрнидан турди-да, қўлини орқасига қилиб чиқиб кетди...

Беш панжа оғиз йиртар, деб шуни айтадилар-да!

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Г. 1718. Р. — 14603